

# **ХУДУДЛАРДА АСОСИЙ ТОВАР ВА ХИЗМАТЛАР ИНФЛЯЦИЯСИ**

**2020 йил январь-октябрь**

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки  
Тошкент 2020**

## ХУДУДЛАРДА АСОСИЙ ТОВАР ВА ХИЗМАТЛАР ИНФЛЯЦИЯСИ


Жорий йил октябрь ойида истеъмол нархлари юқори инфляцион босим шароитида шаклланиб, ўтган ойга нисбатан **1,4 фоизга** ошиди. Нархларнинг ошишига, асосан, озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг сентябрь ойига нисбатан **2,3 фоизга** қимматлашиши сабаб бўлди. Январь-октябрь ойларида республика бўйича инфляция даражаси **7,8 фоизни ташкил** этди. Бунда, озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари ўсиши (10 фоиз) умумий инфляция даражасидан юқори, ноозик-овқат товарлари (6,9 фоиз) ва хизматлар нархлари ўзгариши (5,2 фоиз) эса паст даражада шаклланди.

Жорий йилнинг ўтган 10 ойида озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари юқори ошишига карантин шароитида бирламчи истеъмол товарларига бўлган талабнинг сезиларли даражада ошиши ҳамда сентябрь-октябрь ойларида айрим товарлар нархларига таклиф омиллари таъсири билан изоҳланади. Бунда, октябрь ойи давомида тухум (17,7 фоизга), ўсимлик ёғи (11,2 фоизга), пахта ёғи (13,6 фоизга), шакар (9,8 фоизга) ҳамда сабзавот маҳсулотлари нархларида мавсумий (5,8 фоизга) юқори ўсиш кузатилди.

Йилнинг январь-октябрь ойларида, Тошкент шаҳрида нархлар ўртача **10,9 фоизга**, Тошкент вилоятида **8,2 фоизга**, Жиззах ва Қашқадарё вилоятларида мос равишда **8,1** ва **8 фоизга** ошиб, республика умумий кўрсаткичидан юқори шаклланган бўлса, Қорақалпогистон Республикаси, Сурхондарё, Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятларида инфляция республика кўрсаткичидан пастроқ даражада шаклланди (1-расм).

Умуман олганда, октябрь ойида йиллик инфляция даражаси **11,5 фоизни ташкил** этиб, ўтган йилнинг мос даврига (16,3 фоиз) нисбатан **4,8 фоиз бандга секинлашди**. Йиллик инфляция даражасининг пасайиши, асосан, 2019 йилнинг август ойидаги тартибга солинадиган нархлар оширилиши таъсирларининг тугаб бориши билан изоҳланади.

**1-расм. 2020 йил январь-октябрь ойларида республика ва ҳудудлар кесимида инфляция даражаси (фоизда)**



Манба: Давлат статистика қўниматаси маълумотлари.

## Озиқ-овқат товарлари

2020 йилнинг январь-октябрь ойларида озиқ-овқат товарлари нархлари республика бўйича ўртача **10 фоизга** қимматлашиб (ўтган йилнинг мос даврида 11,4 фоиз), умумий инфляция даражасига нисбатан юқори бўлди. Ҳудудлар кесимида таҳлил қилингандан, Тошкент шаҳри (13,2 фоиз) ва Жиззах вилоятида (11 фоиз) озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари ошиши республика бўйича умумий кўрсаткичдан юқорироқ, Сурхондарё вилоятида (7,7 фоиз) ва Қорақалпогистон Республикасида (7,8 фоиз) эса пастроқ даражани қайд этди (2-расм).

Бунда, ушбу даврда озиқ-овқат маҳсулотлари таркибида гўшт ва ёғ-мой маҳсулотлари, гуруч, шакар, тухум, сабзавотлар, хусусан, картошка ҳамда сабзи нархи сезиларли даражада қимматлашди.


## Гўшт маҳсулотлари

Жорий йилнинг дастлабки 10 ойида гўшт маҳсулотлари нархи республика бўйича ўртача **15 фоизга**, шундан, мол гўшти **18,2 фоизга** ва қўй гўшти **22,1 фоизга** қимматлашди. Бунда, август ойининг иккинчи ярмидан карантин чекловларининг юмшатилиши натижасида кечиккан талабнинг юзага чиқиши (умумий овқатланиш соҳаси фаолиятининг тикланиши ҳамда аҳоли орасида тўй ва бошқа маросимлар ўтказилишига рухсат берилиши) ҳамда чорва озуқаси нархининг қимматлашиши ушбу маҳсулотлар нархларига оширувчи босимни юзага келтирди (4-расм).

**Маълумот учун:** жорий йил октябрь ойида биржа савдоларига қўйилган шелуха йил бошига нисбатан 36,5 фоизга (1 612 сўмдан 2 200 сўмгача), пахта широти нархи эса 16,4 фоизга (2 750 сўмдан 3 200 сўмгача) қимматлашди.

Гўшт маҳсулотлари нархларини барқарорлаштиришда асосий эътибор гўшт таклифини ошириш, хусусан, йирик чорвачилик фермаларини ташкил этиш, чорва озуқасини арzonлаштириш ҳамда гўшт маҳсулотлари импортида рақобат шароитларини яхшилаш ва харажатларни камайтиришга қаратилиши лозим.


**2-расм. Республика ва ҳудудлар кесимида озиқ-овқат товарлари нархлари ўзгариши**



Манба: Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида Марказий банк ҳисоб-китоблари.

**3-расм. 2020 йил январь-октябрь ойларида гўшт маҳсулотлари нархлари ўзгариши**

(ўтган ойга нисбатан ўзгариши, фоизда)



Манба: Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида Марказий банк ҳисоб-китоблари.

**4-расм. Гўшт маҳсулотлари нархлари ошиши**

Гўшт маҳсулотлари	Мол гўшти	Қўй гўшти			
Андижон вил.	11,8	Фарғона вил.	13,8	Андижон вил.	11,8
Фарғона вил.	12,5	Тошкент вил.	13,9	Сурхондарё вил.	14,7
Қорақалпогистон	13,6	Андижон вил.	14,9	Фарғона вил.	17,4
Тошкент вил.	14,0	Тошкент ш.	15,7	Наманган вил.	17,4
Тошкент ш.	14,9	Қорақалпогистон	17,4	Бухоро вил.	19,0
Хоразм вил.	14,9	Хоразм вил.	18,2	Қорақалпогистон	20,2
Республика	15,0	Республика	18,2	Навоий вил.	21,0
Қашқадарё вил.	15,1	Қашқадарё вил.	19,0	Республика	22,1
Сурхондарё вил.	15,2	Сурхондарё вил.	19,0	Тошкент вил.	22,8
Бухоро вил.	16,3	Самарқанд вил.	21,6	Хоразм вил.	26,1
Навоий вил.	16,7	Бухоро вил.	22,1	Сирдарё вил.	27,1
Наманган вил.	16,7	Сирдарё вил.	22,7	Тошкент ш.	27,1
Самарқанд вил.	17,3	Жиззах вил.	22,8	Қашқадарё вил.	27,5
Жиззах вил.	17,3	Наманган вил.	23,4	Жиззах вил.	28,0
Сирдарё вил.	17,6	Навоий вил.	23,5	Самарқанд вил.	29,4

Манба: Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида Марказий банк ҳисоб-китоблари.

## Шакар

Таъкидлаш лозимки, шакар нархи йил бошига нисбатан республика бўйича ўртача **15,7 фоизга** ошди ва нархлар ўсишининг асосий қисми сентябрь-октябрь ойларига тўғри келди.

Бунда, ички бозорда таклиф билан боғлиқ бўлган муаммолар шакар маҳсулотлари нархи ошишининг асосий омилларидан бўлди. Ҳудудлар кесимида, шакар нархининг энг юқори ўсиши Навоий вилоятида (20,4 фоиз) қайд этилган бўлса, энг паст ўсиши Сурхондарё вилоятида (11,1 фоиз) кузатилди (6-расм).

Жаҳон бозорида шакар нархининг пасайиши ҳамда шакар экспорт қилувчи асосий давлатларда ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиши фонида мамлакатимизга ушбу маҳсулотни импорт қилиш шароитларининг яхшиланиши келгусида шакар нархининг барқарорлигини таъминлашга хизмат қилиши мумкин.

## Буғдой уни

2020 йилнинг январь-октябрь ойларида буғдой уни республика бўйича ўртача **12,9 фоизга** қимматлашди. Пандемия даврида асосий озиқ-овқат товарларига, хусусан, буғдой унига ҳам талабнинг кескин ошиши натижасида март-май ойларида ушбу товар нархида юқори ўшиш кузатилди.

Таҳлиллар мамлакатимизда ва асосий савдо ҳамкор давлатлар – Россия ҳамда Қозогистонда жорий йилги буғдой ҳосилининг кутилгандан кўпроқ бўлганлигини, келгусида ушбу маҳсулот нархининг юқори ошишига сабаб бўладиган омилларнинг йўқлигини кўрсатмоқда.

## Гуруч

Жорий йилнинг дастлабки 10 ойида гуруч нархи республика бўйича ўртача **13,2 фоизга** ўсди. Ҳудудлар кесимида гуруч нархининг энг юқори ўшиш даражаси Қорақалпоғистон Республикасида (19,3 фоиз) ва энг паст ўшиш даражаси Сурхондарё вилоятида (7,8 фоиз) кузатилди (6-расм).

Тадбиркорлар ҳамда гуруч етиштирувчи деҳқонлар билан олиб борилган ўрганишларда, бу йилги мавсумда сув танқислиги кузатилганлиги сабабли гуруч

**5-расм. 2020 йил январь-октябрь ойларида буғдой уни ва шакар маҳсулотлари нархлари ўзгариши**  
(ўтган ойга нисбатан ўзгариши, фоизда)




Манба: Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида Марказий банк ҳисоб-китоблари.

**6-расм. Буғдой уни, гуруч ҳамда шакар маҳсулотлари нархлари динамикаси**

Буғдой уни	Гуруч	Шакар			
Фарғона вил.	7,2	Сурхондарё вил.	7,8	Сурхондарё вил.	11,1
Қорақалпоғистон	7,4	Наманган вил.	8,9	Андижон вил.	11,9
Сурхондарё вил.	8,5	Андижон вил.	11,0	Тошкент ш.	13,7
Навоий вил.	10,4	Самарқанд вил.	11,2	Қорақалпоғистон	15,2
Қашқадарё вил.	11,2	Тошкент ш.	11,6	Тошкент вил.	15,2
Андижон вил.	11,5	Республика	13,2	Республика	15,7
Наманган вил.	11,7	Сирдарё вил.	13,9	Наманган вил.	16,0
Сирдарё вил.	12,4	Хоразм вил.	14,0	Самарқанд вил.	16,1
Тошкент вил.	12,7	Бухоро вил.	14,2	Бухоро вил.	16,5
Жizzах вил.	12,8	Навоий вил.	14,6	Сирдарё вил.	16,5
Республика	12,9	Тошкент вил.	15,4	Фарғона вил.	17,4
Бухоро вил.	15,1	Фарғона вил.	15,8	Жizzах вил.	17,9
Хоразм вил.	17,2	Қашқадарё вил.	16,3	Хоразм вил.	18,2
Самарқанд вил.	17,4	Жizzах вил.	17,0	Қашқадарё вил.	19,7
Тошкент ш.	18,2	Қорақалпоғистон	19,3	Навоий вил.	20,4

Манба: Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида Марказий банк ҳисоб-китоблари.

**7-расм. 2020 йил январь-октябрь ойларида ёғ-мой маҳсулотлари нархларининг ўзгариши**  
(ўтган ойга нисбатан ўзгариши, фоизда)



Манба: Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида Марказий банк ҳисоб-китоблари.

ҳосили кутилган ҳажмидан сезиларли даражада кам бўлганлиги қайд этилди. Бу, ўз навбатида, келгусида ушбу маҳсулот нархига маълум даражада қўшимча босимни юзага келтириши мумкин.

### Ёғ-мой маҳсулотлари

2020 йилнинг январь-октябрь ойлари давомида ёғ-мой маҳсулотлари нархлари республика бўйича ўртacha **20,2 фоизга**, хусусан, ўсимлик ёғи **23,9 фоизга**, пахта ёғи **24,2 фоизга** қимматлашди. Бунда, ёғ-мой маҳсулотлари нархлари ошиши, асосан, сентябрь-октябрь ойларида кузатилди (7-расм). Нархлар ошишига жорий йилда об-ҳаво шароитларининг ноқулай келиши натижасида кунгабақор ҳосилининг камайиши, ёғ маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг қисқариши сабаб бўлди.

Ёғ-мой маҳсулотлари импортида рақобат шароитларининг яхшиланиши ва етказиб берувчилар таркибининг диверсификация қилиниши келгусида нархларни пасайтирувчи омиллардан бўлиб хизмат қилиши мумкин.

### Мева ва сабзавотлар

Кузатилаётган давр мобайнида мева ва сабзавотлар нархлари умумий инфляцияга пасайтирувчи омил сифатида хизмат қилиб, йил бошига нисбатан **3,3 фоизга** пасайди. Хусусан, сабзавотлар республика бўйича ўртacha **20,5 фоизга** арzonлашган бўлса, мевалар **4,3 фоизга** қимматлашди.

Ҳудудлар кесимида, сабзавот нархларининг энг юқори арzonлашиши Сурхондарё вилоятида (33,8 фоиз) кузатилган бўлса, энг паст арzonлашиш Хоразм вилоятида (12,5 фоиз) қайд этилди. Шу билан бирга, мевалар нархларининг республика бўйича энг юқори ўсиши Тошкент шаҳрида (20,6 фоиз) ва энг паст арzonлашиш кўрсаткичи Қорақалпоғистон Республикасида кузатилди (10-расм).


Мева ва сабзавотлар нархи юқори **мавсумийлик характеристига эга** бўлиб, аввалги йиллардаги трендига асосан келгуси ойларда ушбу маҳсулотлар нархларининг мавсумий қимматлашишини кутиш мумкин.

### 8-расм. Ёғ маҳсулотлари нархлари ўзгариши

Ёғ-мой маҳсулотлари	Ўсимлик ёғи	Пахта ёғи			
Қорақалпоғистон	16,4	Қорақалпоғистон	17,9	Тошкент ш.	14,3
Тошкент ш.	17,1	Навоий вил.	18,1	Қорақалпоғистон	19,7
Бухоро вил.	17,7	Қашқадарё вил.	20,9	Бухоро вил.	21,8
Самарқанд вил.	18,0	Самарқанд вил.	21,0	Сурхондарё вил.	21,8
Навоий вил.	19,6	Сурхондарё вил.	21,4	Самарқанд вил.	22,0
Қашқадарё вил.	20,0	Бухоро вил.	22,6	Фарғона вил.	23,7
Сурхондарё вил.	20,1	Андижон вил.	23,1	Тошкент вил.	23,8
Республика	20,2	Республика	23,9	Республика	24,2
Тошкент вил.	20,9	Тошкент ш.	23,9	Қашқадарё вил.	26,8
Фарғона вил.	21,0	Жizzах вил.	24,9	Навоий вил.	27,1
Андижон вил.	21,7	Тошкент вил.	25,5	Жizzах вил.	28,8
Жizzах вил.	22,0	Фарғона вил.	26,2	Сирдарё вил.	29,1
Сирдарё вил.	24,2	Хоразм вил.	26,8	Наманган вил.	29,4
Наманган вил.	25,2	Наманган вил.	31,3	Андижон вил.	29,8
Хоразм вил.	25,6	Сирдарё вил.	32,1	Хоразм вил.	37,2

Манба: Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида Марказий банк ҳисоб-китоблари.

### 9-расм. 2020 йил январь-октябрь ойларида мева ва сабзавотлар нархлари ўзгариши (ўтган ойга нисбатан ўзгариши, фоизда)



Манба: Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида Марказий банк ҳисоб-китоблари.

### 10-расм. Мева ва сабзавот маҳсулотлари нархлари динамикаси

Мева ва сабзавотлар	Мева	Сабзавотлар			
Қорақалпоғистон	-9,7	Қорақалпоғистон	-7,8	Сурхондарё вил.	-33,8
Сурхондарё вил.	-8,8	Хоразм вил.	-6,0	Наманган вил.	-23,1
Бухоро вил.	-7,7	Бухоро вил.	-3,5	Жizzах вил.	-23,1
Наманган вил.	-7,0	Наманган вил.	-2,7	Сирдарё вил.	-21,7
Жizzах вил.	-5,6	Тошкент вил.	0,0	Андижон вил.	-21,5
Хоразм вил.	-5,2	Навоий вил.	0,9	Тошкент ш.	-21,2
Навоий вил.	-4,8	Сирдарё вил.	2,1	Қорақалпоғистон	-20,8
Сирдарё вил.	-4,7	Жizzах вил.	3,3	Республика	-20,5
Андижон вил.	-4,4	Самарқанд вил.	4,2	Самарқанд вил.	-20,5
Самарқанд вил.	-4,3	Республика	4,3	Қашқадарё вил.	-20,2
Тошкент вил.	-3,8	Андижон вил.	4,9	Навоий вил.	-20,1
Республика	-3,3	Сурхондарё вил.	5,1	Бухоро вил.	-18,3
Қашқадарё вил.	-2,8	Қашқадарё вил.	6,0	Тошкент вил.	-17,9
Фарғона вил.	0,7	Фарғона вил.	11,2	Фарғона вил.	-16,2
Тошкент ш.	7,4	Тошкент ш.	20,6	Хоразм вил.	-12,5

Манба: Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида Марказий банк ҳисоб-китоблари.

## *Картошка*

2020 йилнинг январь-октябрь ойларида, аҳоли томонидан картошка маҳсулотига юқори талаб сақланиб қолганлиги сабабли истеъмол товарлари орасида энг юқори ўсишни (35,5 фоиз) қайд этди.

Хусусан, юқори ўсиш суръатлари Тошкент шаҳрида (67,7 фоиз) кузатилган бўлса, Фарғона (15,1 фоиз) ва Бухоро (19,5 фоиз) вилоятларида ўсиш нисбатан пастроқ бўлди (12-расм).

## **Tyxum**

Таъкидлаш лозимки, жорий йилнинг январь-октябрь ойларида тухум нархида сезиларли ўсиш кузатилиб, нарх ўзгаришлари, асосан, сентябрь-октябрь ойларига тўғри келди (12-расм).

Бунга, асосан, парранда озукаси нархларининг сезиларли даражада қимматлашиши ҳамда тухумга бўлган талабнинг мавсумий ошиши сабаб бўлди.

Тухум нархи барқарорлигини таъминлаш масаласи паррандачилик озуқа базасини арzonлаштириш йўналишида тизимли ишларни амалга оширишни талаб этади.


## Ноозиқ-овқат товарлари

2020 йил январь-октябрь ойларида, ноозиқ-овқат товарлари нархлари республика бўйича **6,9 фоизга** ошиб (ўтган йилнинг мос даврида 9,5 фоиз), умумий инфляция даражасидан паст бўлди.

Жорий йилнинг дастлабки 10 ойида ноозиқ-овқат маҳсулотлари нархлари ўзгариши Тошкент шаҳри (9,9 фоиз) ва Тошкент вилоятида (7,7 фоиз) республика даражасидан юқорироқ ҳамда Хоразм (4,6 фоиз) ва Наманган вилоятларида (5,4 фоиз) пастроқ даражада шаклланди (13-расм).

Таъкидлаш лозимки, ушбу даврда ноозиқ-овқат товарлари нархлари қимматлашишига таъсир кўрсатган асосий омиллар дори-дармон, қурилиш моллари, цемент, автомобил учун ёқилғи, ювиш ва тозалаш воситалари, кийим-кечак ҳамда майший техника воситалари нархларининг қимматлашиши бўлди.

## **11-расм. 2020 йил январь-октябрь ойларида тухум нархи ўзгариши (ўтган ойга нисбатан ўзгариши, фоизда)**




Манба: Даелат статистика құмитаси маълумотлари ассоциациясынан

**12-расм. Сабзи, картошка ва тухум маҳсулотлари нархлари ошиши**

Сабзи		Картошка		Тухум	
Сурхондарё вил.	15,2	Фарғона вил.	15,1	Фарғона вил.	13,7
Наманган вил.	18,1	Бухоро вил.	19,5	Сирдарё вил.	19,9
Самарқанд вил.	22,3	Андижон вил.	20,1	Сурхондарё вил.	21,7
Тошкент ш.	27,2	Самарқанд вил.	22,4	Андижон вил.	25,1
Қорақалпоғистон	36,3	Жizzax вил.	24,3	Самарқанд вил.	30,4
Сирдарё вил.	38,2	Сурхондарё вил.	24,6	Республика	34,3
Қашқадарё вил.	38,2	Қашқадарё вил.	27,8	Навоий вил.	35,2
Фарғона вил.	38,6	Республика	35,5	Қорақалпоғистон	37,1
Республика	39,2	Навоий вил.	38,7	Бухоро вил.	37,4
Жizzax вил.	39,9	Сирдарё вил.	39,8	Наманган вил.	38,4
Тошкент вил.	44,2	Қорақалпоғистон	40,3	Тошкент вил.	40,4
Андижон вил.	50,0	Хоразм вил.	43,6	Хоразм вил.	40,4
Навоий вил.	52,5	Тошкент вил.	45,9	Қашқадарё вил.	42,9
Бухоро вил.	64,0	Наманган вил.	52,1	Тошкент ш.	45,0
Хоразм вил.	93,0	Тошкент ш.	67,7	Жizzax вил.	53,0

**Манба:** Даелмат статистика құмитаси маълумотлари асосида Марказий банк хисоб-китоблари.

### **13-расм. Республика ва ҳудудлар кесимида ноозик-овқат товарлари нархлари ўзгариши**



## Республика даражасидан паст

## Дори-дармонлар

Жорий йилнинг дастлабки 10 ойида дори-дармон воситалари нархларида юқори ўсиш тенденцияси кузатилди. Бунда, пандемиянинг бошланғич даврида дори-дармон, витаминлар ҳамда антисептик воситаларига бўлган талаб сезиларли даражада ошган бўлса, сўнгги ойларда шамоллашга қарши дори воситаларига бўлган талабнинг мавсумий кўпайиши кузатилмоқда.

Хусусан, йил бошидан дори-дармон маҳсулотлари республика бўйича ўртача **11,5 фоизга** қимматлашган бўлса, аптицептик воситалари нархлари **18,1 фоизга** ошли.

Ҳудудлар кесимида дори воситалари нархларининг нисбатан юқори ўсиши Тошкент шаҳрида (20,5 фоиз) ва пастрок ўсиши Наманган вилоятида (6,9 фоиз) қайд этилди (15-расм).

Куз-қиши мавсумида дори-дармон маҳсулотларига бўлган талабнинг юқори даражада сақланиб қолиши шароитида, келгусида ушбу маҳсулотлар нархларининг ошиши кузатилиши мумкин.

## Қурилиш моллари


2020 йилнинг январь-октябрь ойларида ноозик-овқат товарлари таркибида қурилиш моллари нархи ҳам юқори ўсишни қайд этди ва республика бўйича йил бошига нисбатан **11 фоизга** қимматлашди. Бунда, импорт ва таклиф омиллари таъсирида цемент маҳсулоти нархининг йил бошига нисбатан **26,9 фоизга** ошганини таъкидлаш жоиз.

Қурилиш материаллари нархидаги ўзгаришлар, асосан, август ойига тўғри келиб, карантин чекловларининг юмшатилиши натижасида қурилиш соҳасидаги ишларнинг кенгайиши талабнинг сезиларли ошишига сабаб бўлди. Бироқ, қиши мавсумининг яқинлашиши билан қурилиш ишларининг секинлашиши қурилиш маҳсулотлари нархларда ўсиш суръатларининг пасайишига олиб келиши мумкин (17-расм).

## Автомобиллар учун ёқилғи

Жорий йилда автомобиллар учун ёқилғи маҳсулотлари нархлари жаҳон бозорида нефть нархининг пасайиши ва ушбу соҳага

**14-расм. 2020 йил январь-октябрь ойларида дори-дармон маҳсулотлари нархи ўзгариши (ўтган ойга нисбатан ўзгариши, фоизда)**




Манба: Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида Марказий банк ҳисоб-китоблари.

**15-расм. Ювиш ва тозалаш, дори-дармон ҳамда аптицептик воситалар нархлари ўзгариши**

Дори-дармон	Аптицептик воситалари	Ювиш ва тозалаш воситалари			
Наманган вил.	6,9	Қорақалпоғистон	7,3	Қорақалпоғистон	5,7
Андижон вил.	7,7	Андижон вил.	12,4	Қашқадарё вил.	7,2
Навоий вил.	8,2	Тошкент ш.	12,6	Фарғона вил.	7,5
Хоразм вил.	9,2	Сирдарё вил.	14,0	Сурхондарё вил.	8,7
Сурхондарё вил.	9,3	Наманган вил.	14,2	Тошкент ш.	8,8
Сирдарё вил.	9,3	Хоразм вил.	15,1	Жиззах вил.	8,8
Қашқадарё вил.	9,3	Республика	18,1	Республика	9,1
Фарғона вил.	9,6	Бухоро вил.	18,4	Бухоро вил.	9,4
Қорақалпоғистон	9,9	Тошкент вил.	18,6	Хоразм вил.	9,5
<b>Республика</b>	<b>11,5</b>	<b>Навоий вил.</b>	<b>19,2</b>	<b>Навоий вил.</b>	<b>9,6</b>
Самарқанд вил.	11,7	Самарқанд вил.	21,0	Сирдарё вил.	9,8
Тошкент вил.	11,9	Фарғона вил.	21,2	Самарқанд вил.	9,8
Бухоро вил.	13,6	Сурхондарё вил.	21,4	Наманган вил.	10,3
Жиззах вил.	16,6	Жиззах вил.	26,0	Тошкент вил.	10,3
Тошкент ш.	20,5	Қашқадарё вил.	31,6	Андижон вил.	11,0

Манба: Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида Марказий банк ҳисоб-китоблари.

**16-расм. 2020 йил январь-октябрь ойларида қурилиш моллари нархларининг ўзгариши (ўтган ойга нисбатан ўзгариши, фоизда)**



Манба: Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида Марказий банк ҳисоб-китоблари.

хорижий операторларнинг кириб келиши натижасида рақобат муҳитининг яхшиланиши фонида шаклланди.

Хусусан, жорий йилнинг дастлабки 10 ойида республика бўйича автомобиллар учун ёқилғи маҳсулотлари нархи ўртacha **3,3 фоизга ўсади** (2019 йилнинг мос даврида 21,6 фоизга ўсан).

Ҳудудлар кесимида ушбу маҳсулотлар нархининг энг юқори ўсиш кўрсаткичи Қашқадарё вилоятида (9,2 фоиз) ва энг паст ўсиш суръати Фарғона вилоятида (4 фоиз) қайд этилди (18-расм).

Шу билан бирга, автомобиллар учун ёқилғи маҳсулотларидан, пропан нархи йил бошига нисбатан республика бўйича ўртacha **34 фоизга қимматлашди**. Бунда, куз-қиши мавсуми учун аҳолига суюлтирилган газ етказиб бериш жараёнининг бошланиши ушбу маҳсулот нархига қўшимча босимни юзага келтирмоқда. Талабнинг юқорилиги сабабли ушбу маҳсулот нархидаги ўсуви чи тенденция келгуси ойларда ҳам сақланиб қолиши мумкин (18-расм).

### Машиий техника

Жорий йилнинг январь-октябрь ойларида машиий техника воситалари нархи республика бўйича ўртacha **4,1 фоизга ошди**. Ҳудудлар кесимида, Жиззах вилоятида машиий техника воситалари республиканинг бошқа вилоятларига нисбатан юқорироқ даражада қимматлашди ва 9,8 фоизни ташкил этди. Самарқанд ҳамда Фарғона вилоятларида эса ушбу товарлар нархлари нисбатан пастроқ даражада қимматлашиб, 2 фоизни ташкил этди (18-расм).

### Хизматлар

2020 йилнинг январь-октябрь ойлари мобайнида хизматлар нархлари республика бўйича **5,2 фоизга қимматлашиб** (ўтган йилнинг мос даврида 14,2 фоиз), умумий инфляция даражасига нисбатан пастроқ бўлди. Хизматлар соҳасида нархлар ўзгариши Тошкент шаҳри (7,9 фоиз) ҳамда Бухоро (5,9 фоиз) вилоятида республика кўрсаткичидан юқорироқ, Жиззах (3,8 фоиз) ва Сурхондарё (2,9 фоиз) вилоятларида эса пастроқ даражада шаклланди (19-расм).

**17-расм. Қурилиш моллари, цемент ҳамда кийим-кечак товарлари нархлари динамикаси**

Кийим-кечак	Қурилиш моллари	Цемент			
Навоий вил.	4,3	Бухоро вил.	5,8	Бухоро вил.	11,0
Намangan вил.	4,6	Намangan вил.	8,2	Қашқадарё вил.	16,3
Хоразм вил.	4,7	Сирдарё вил.	8,8	Сирдарё вил.	17,4
Андижон вил.	4,7	Хоразм вил.	9,2	Тошкент вил.	17,4
Фарғона вил.	4,8	Сурхондарё вил.	9,7	Хоразм вил.	17,6
Қашқадарё вил.	5,6	Тошкент вил.	9,7	Сурхондарё вил.	25,6
Жиззах вил.	5,6	Самарқанд вил.	10,2	Тошкент ш.	25,9
Самарқанд вил.	5,6	Республика	11,0	Республика	26,9
Сурхондарё вил.	5,8	Фарғона вил.	11,0	Жиззах вил.	29,7
Республика	6,2	Қашқадарё вил.	12,0	Самарқанд вил.	31,2
Қорақалпоғистон	6,8	Жиззах вил.	12,6	Фарғона вил.	33,4
Бухоро вил.	7,1	Қорақалпоғистон	12,7	Намangan вил.	36,1
Сирдарё вил.	7,5	Андижон вил.	12,7	Қорақалпоғистон	40,1
Тошкент ш.	7,7	Навоий вил.	14,7	Андижон вил.	41,6
Тошкент вил.	9,0	Тошкент ш.	19,2	Навоий вил.	42,9


Манба: Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида Марказий банк ҳисоб-китоблари.

**18-расм. Машиий техника, автомобиллар учун ёқилғи ва пропан маҳсулотлари нархлари ўзгариши**

Автомобиллар учун ёқилғи	Пропан	Машиий техника			
Фарғона вил.	-4,0	Сурхондарё вил.	-3,9	Фарғона вил.	2,0
Сурхондарё вил.	-1,2	Тошкент вил.	7,5	Самарқанд вил.	2,0
Тошкент вил.	-0,5	Қорақалпоғистон	13,3	Сурхондарё вил.	2,6
Сирдарё вил.	0,3	Фарғона вил.	14,3	Андижон вил.	3,3
Андижон вил.	1,2	Сирдарё вил.	20,6	Қашқадарё вил.	3,5
Қорақалпоғистон	1,5	Намangan вил.	22,1	Намangan вил.	3,8
Намangan вил.	2,6	Андижон вил.	24,8	Республика	4,1
Жиззах вил.	3,2	Жиззах вил.	30,9	Хоразм вил.	4,5
Республика	3,3	Республика	34,0	Тошкент ш.	5,1
Тошкент ш.	5,7	Тошкент ш.	43,3	Тошкент вил.	5,2
Хоразм вил.	5,9	Хоразм вил.	44,4	Бухоро вил.	5,3
Бухоро вил.	6,1	Бухоро вил.	54,5	Қорақалпоғистон	5,3
Навоий вил.	7,2	Навоий вил.	57,8	Сирдарё вил.	5,4
Самарқанд вил.	8,2	Самарқанд вил.	62,2	Навоий вил.	6,7
Қашқадарё вил.	9,2	Қашқадарё вил.	74,5	Жиззах вил.	9,8

Манба: Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида Марказий банк ҳисоб-китоблари.

**19-расм. Республика ва ҳудудлар кесимида хизматлар нархлари ўзгариши**



Манба: Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида Марказий банк ҳисоб-китоблари.

Бунда, хизматлар соҳасида нархлар ошишига таъсир кўрсатган асосий омиллари сифатида тиббий хизматлар, хусусан, лаборатория хизматлари, йўловчи транспорти, йўналишли такси ҳамда майший хизматлар нархларининг қимматлашишини келтириш мумкин.

### **Тиббий хизматлар**

Пандемия шароитида тиббий хизматларга, айниқса, тиббий лаборатория хизматларига бўлган талаб кескин ортди. Хусусан, жорий йилнинг январь-октябрь ойларида тиббий хизматлар нархлари республика бўйича ўртacha **8,5 фоизга**, тиббий лаборатория хизматлари эса **11,4 фоизга** қимматлашди (20-расм).

Пандемия билан боғлиқ ноаниқликларнинг сақланиб қолиши ҳамда қиш мавсумида тиббий хизматларга бўлган талабнинг мавсумий ортиши натижасида келгусида ушбу хизматлар нархларининг янада қимматлашишига сабаб бўлиши мумкин.

### **Йўловчи транспорт хизматлари**

Кузатилаётган давр мобайнида йўловчи транспорти хизматлари нархлари республика бўйича ўртacha **9,9 фоизга** қимматлашди. Ҳудудлар кесимида ушбу хизматлар нархининг нисбатан юқори ўсиши Андикон (15,2 фоиз) ва Самарқанд (14,2 фоиз) вилоятларида ҳамда пастроқ ўсиши Сурхондарё (4,1 фоиз) ва Хоразм (5,9 фоиз) вилоятларида кузатилди (22-расм).

Шунингдек, мазкур даврда йўналишли такси (14,4 фоиз) ва йўналишсиз такси (13,8 фоиз) хизматлари нархида ҳам сезиларли ўшиш кузатилди.

Мазкур ҳолат, маълум маънода, карантин чораларининг қўлланилиши сабаби жамоат транспорти ҳаракатининг чекланиши оқибатида такси хизматларига бўлган талабнинг ошганлиги билан изоҳланиши мумкин.


Келгуси ойларда ёқилғи нархларининг мавсумий қимматлашиши ҳамда қиш ойларида аҳоли томонидан такси хизматларига бўлган талабнинг ошиши ҳисобига, ушбу хизматлар нархларида ўшиш кузатилиши мумкин.

**20-расм. Тиббий ва майший хизматлар нархлари динамикаси**

Тиббий хизматлар	Тиббиёт лаборатория хизматлари	Майший хизматлар			
Сурхондарё вил.	2,7	Сурхондарё вил.	1,5	Андижон вил.	6,3
Самарқанд вил.	3,1	Бухоро вил.	2,1	Жиззах вил.	6,6
Наманган вил.	4,3	Самарқанд вил.	2,8	Сурхондарё вил.	6,7
Навоий вил.	4,5	Наманган вил.	2,9	Фарғона вил.	8,0
Қашқадарё вил.	5,1	Қашқадарё вил.	4,3	Тошкент вил.	8,2
Қорақалпоғистон	6,5	Навоий вил.	8,0	Навоий вил.	8,5
Хоразм вил.	6,6	Жиззах вил.	9,4	Бухоро вил.	8,8
Жиззах вил.	7,0	Сирдарё вил.	10,3	Қашқадарё вил.	9,1
Сирдарё вил.	7,3	Республика	11,4	Қорақалпоғистон	9,4
Республика	8,5	Қорақалпоғистон	12,6	Самарқанд вил.	9,5
Бухоро вил.	9,5	Фарғона вил.	15,4	Республика	9,7
Тошкент вил.	9,6	Хоразм вил.	15,5	Сирдарё вил.	10,7
Андижон вил.	9,9	Тошкент ш.	17,7	Наманган вил.	11,2
Фарғона вил.	10,2	Тошкент вил.	19,1	Тошкент ш.	15,0
Тошкент ш.	20,3	Андижон вил.	29,0	Хоразм вил.	15,1

Манба: Даёлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида Марказий банк ҳисоб-китоблари.

**21-расм. 2020 йил январь-октябрь ойларида йўловчи транспорт хизматлари нархларининг ўзгариши (ўтган ойга нисбатан ўзгариши, фоизда)**



Манба: Даёлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида Марказий банк ҳисоб-китоблари.

**22-расм. Йўловчи транспорт, такси ҳамда йўналишили такси хизматлари нархлари ошиши**

Йўловчи транспорти хизматлари	Йўналишили таксида йўл ҳақи	Таксида йўл ҳақи			
Сурхондарё вил.	4,1	Жиззах вил.	0,0	Сурхондарё вил.	0,0
Хоразм вил.	5,9	Сурхондарё вил.	0,0	Хоразм вил.	2,7
Тошкент ш.	6,3	Тошкент ш.	3,1	Қорақалпоғистон	4,9
Навоий вил.	7,1	Қашқадарё вил.	4,6	Наманган вил.	5,3
Жиззах вил.	8,8	Навоий вил.	7,3	Сирдарё вил.	5,3
Республика	9,9	Фарғона вил.	7,5	Навоий вил.	5,8
Қашқадарё вил.	9,9	Хоразм вил.	7,5	Тошкент вил.	13,1
Фарғона вил.	10,0	Республика	14,4	Тошкент вил.	13,7
Сирдарё вил.	11,8	Тошкент вил.	16,7	Республика	13,8
Қорақалпоғистон	11,9	Самарқанд вил.	22,3	Бухоро вил.	15,3
Тошкент вил.	12,6	Қорақалпоғистон	22,5	Фарғона вил.	17,0
Наманган вил.	13,9	Бухоро вил.	23,4	Андижон вил.	18,9
Бухоро вил.	13,9	Сирдарё вил.	26,3	Қашқадарё вил.	21,2
Самарқанд вил.	14,2	Наманган вил.	30,5	Жиззах вил.	21,7
Андижон вил.	15,2	Андижон вил.	30,7	Самарқанд вил.	28,2

Манба: Даёлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида Марказий банк ҳисоб-китоблари.

© Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, 2020

---

*Пул-кредит сиёсати департаменти томонидан тайёрланди.*

*Ўз таклиф ва эътиrozларингизни қуидаги манзилга жўнатишингиз мумкин:*

*E-mail: achilov@cbu.uz*

*Тел.: (+998) 71 212-60-22*